

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
“МАГИСТРАТУРА” БЎЛИМИ  
“МАРКЕТИНГ” КАФЕДРАСИ

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
УДК:339.138:658(575.1)

**БЕКМУХАМЕДОВ ҶОБИЛЖОН ТУЛКИНОВИЧ**  
**Корхонада интернет маркетингдан фойдаланишини**  
**такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш**  
5A230401- "Маркетинг (товарлар ва хизматлар)" мутахассислиги

Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган  
диссертация

**Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Болтабоев М.Р.**

**ТОШКЕНТ – 2018**

Диссертация ишида корхонада интернет маркетингдан фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари ўрганилган ва "ALSKOM" суғурта компаниясининг ҳозирги ҳолатига баҳо берилган, унинг маркетинг фаолияти таҳлил қилинган. Мамлакатимизда инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида корхонада интернет маркетингдан фойдаланишни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишда интернет маркетингдан фойдаланиш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

In dissertation the company has studied theoretical and methodological basics of Internet marketing use and assessed the current status of ALSKOM insurance company, its marketing activity was analyzed. In the context of the formation of an innovative economy in our country, the company has developed scientific and practical recommendations on the use of Internet marketing in improving the effectiveness of Internet marketing and its effectiveness.

Диссертация иши "Маркетинг" кафедрасидан дастлабки химоядан 2018 йил  
"19" маёй 16-сонли баённома билан ўтган.

Илмий

раҳбар: и.ф.д., проф. Болтабоев М.Р.

М. Р.

ИМЗО

10.05.18

ой, кун

Магистр: Бекмуҳамедов К.Т.

К.Т.Бекмуҳамедов

ИМЗО

08.05.18

ой, кун

## Мундарижа

<b>Кириш.....</b>	<b>4</b>
<b>1-БОБ Корхонада интернет маркетингдан фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари .....</b>	<b>10</b>
1.1 Интернет маркетинг ҳақида тушунча, унинг мазмуни вак моҳияти .....	10
1.2 Корхонада интернет маркетингдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	18
1.3 Интернетда хизмат кўрсатиш соҳасининг ва сугурта хизматининг ривожланиши .....	26
Биринчи боб бўйича хулоса.....	31
<b>2-БОБ “ALSKOM” АЖ сугурта компаниясининг маркетинг фаолияти таҳлили.....</b>	<b>33</b>
2.1 “ALSKOM” АЖ сугурта компаниясининг хўжалик фаолиятига иқтисодий тавсифнома.....	33
2.2 “ALSKOM” АЖ сугурта компаниясида интернет маркетингдан фойдаланиш ҳолати таҳлили.....	41
2.3 Сугурта компанияларининг рақобатбардошлиги таҳлили..... Иккинчи боб бўйича хулоса.....	46 51
<b>3-БОБ Корхонада интернет маркетингдан фойдаланишини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш.....</b>	<b>53</b>
3.1 “ALSKOM” АЖ сугурта компаниясида интернет маркетингдан самарали фойдаланиш йўллари.....	53
3.2 Сугурта компаниясида интернет маркетингдан фойдаланиш орқали самарадорликни ошириш йўналишлари..... Учинчи боб бўйича хулоса.....	60 66
<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>67</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>71</b>

## КИРИШ

**Магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблиги ва асосланиши.** Ўзбекистон Республикасида аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, уларнинг моддий фаровонлигини ҳамда жамиятни ижтиомий-иктисодий ривожланишини таъминловчи молиявий институтлар билан бир қаторда сугурта фаолиятининг ўрни ҳам ўзига ҳосдир. 2017 йил 7 февралдаги давлатимиз раҳбарининг Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида сугурта хизматларининг янги турларини ривожлантириш бўйича, “...сугурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш, шунингдек капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш”<sup>1</sup>ни ифодаловчи устувор йўналиши сугурта хизматини ривожлантиришда катта аҳамиятга эгадир. Сугурта-турли хилдаги баҳтсиз ҳодисалардан молиявий ҳимояланиш имкониятини яратади. Айнан шунинг учун сугурта фаолиятини ўрганиш, турли хилдаги янги хизмат турларини тақдим этиш, баҳтсиз ҳодисалардан ҳимояланишни таъминлаш мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Республикамиз иқтисодини барқарор ривожланиши шароитида сугурта бозорида ҳам тез суръатли ўсиш кузатилмоқда. Мамлакатимиз молиявий инфратузилмаси таркибида ихтиёрий ва мажбурий сугурталарининг ўз ўрни бор. Шуни эътиборга олиб сўнгги йилларда мамлакатимизда сугурта ривожига алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

2017 йил якунларига кўра жон бошига йиллик сугурта мукофоти қарийб 9 АҚШ долларини ташкил этди.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йиллардаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги ПФ-4947-сонли Фармони. – Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2017 й. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).